

ИНСОН КАПИТАЛИ МАСАЛАСИГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАРНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Ихтияров Фарход Акмалович,

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети

Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти
мустақил тадқиқотчиси

Ривожланган мамлакатларда аҳолининг турмуш даражаси, сифати, инсон ресурсларини бошқариш, инсон омили ва инсон тараққиёти каби масалаларга жиддий эътибор қаратишмоқда. Илмий адабиётларда аҳоли, шу жумладан, «инсон капитали», «инсон салоҳияти» ва «инсон омили» муносабатларини тавсиф ҳамда таҳлил қилиш учун структурали-функционал талқин ва тизимли ёндашув амалиёти етарли даражада шакллантирилмаган. Ижтимоий фанлардаги замонавий когнитив тараққиёт кўплаб янги концепцияларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Аммо, илгари сурилган ғоя ва таълимотларда кўпинча анъанавий муаммоларни ривожлантириш ҳамда кенгайтириш учун имкониятлар кўпроқ бўлади¹.

Инсон жамиятда турли ўзи учун керакли бўлган бойликни йиғишга ҳаракат қилади. Ушбу инсоний ҳаракат инсон фаровонлигини оширишнинг муҳим мезони бўлиб хизмат қилади. Бойлик илмий фаразларда «капитал» тушунчаси билан конвертация қилинади. Шунинг учун ҳам, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда «капитал» тушунчаси кенг қўлланилмоқда ва унинг турли хил шакллари ажралиб чиқмоқда. Унинг асосий моҳияти ҳаражат қилиш ва тўплашда бўлиб, мазкур ижтимоий қонун категорияси сифатида инсоний фаолиятни намоён этади. Мазкур категориянинг жамият ҳаётида кўпайиши ва фаолият сифатида юритилиши маълум даражада иқтисодий ўсишга таъсир қилади.

«Капитал» тушунчаси иқтисодий фанларда тизим ҳосил қилувчи таркибий қисм ҳисобланади. Ушбу умумий тасаввур ҳақидаги фикр ва қарашлар юз йиллар давомида ўзгариб келган. Капиталнинг биринчи хусусияти шундаки, у инсонга чекланган ресурс сифатида намоён бўлади. Унинг иккинчи хусусияти унинг жамғарувчанлик қобилияти бўлиб, у нафақат сақловчи ресурс, балки кўпаювчи ҳамдир. Жамғариш ва хўжалик учун фойдаланиш қобилиятдан ташқари, капитал учинчи хусусиятга эга. Ушбу хўжалик ресурси муайян ликвидликка эга. Мазкур хусусиятлар бевосита ёки билвосита ўзининг шаклий хусусиятидан қатъий назар пул кўринишига айланади. Шу билан бирга, капитал пассив ҳолатда қолмасдан, у қиймат айланиши жараёнига кўшилади. Бунда у пул шаклида бўлиб, бир вақтнинг ўзида бошланғич ва охириги ҳаракат нуктасини белгилайди. Капитал бу билан динамик ресурс сифатида гавдаланади ва унинг конвертация қилиш қобилияти – доимий ўз шаклини ўзгартириш ҳолати билан тўртинчи хусусиятини намоён қилади. Бешинчи хусусияти капитал ўзининг айланиш жараёнида нафақат ўзининг қийматини ишлаб чиқаришида намоён бўлади, балки янада кўпроқ кўшимча қиймат келтиради.

Инсон капитали бу инвестиция натижасида шаклланган индивидларнинг қобилиятлари ва сифатларнинг йиғиндиси, меҳнат самарадорлиги ва фойданинг ўсишига олиб келади. Тор маънода эса инсон капитали сифатли ишчи кучини ҳаракатлантирувчи

¹ Дятлов С. А. Основы теории человеческого капитала. – СПб.: Изд-во УЭФ, 1994. – С. 16.

куч сифатида кўринади унинг фойдалилик даражаси бу инсон, корхона ва давлатнинг даромад манбаидир.

Инсон капитали мавзусига кенгрок ёндашиладиган бўлинса, у ўзининг барча кўринишларида умуминсоний имкониятларни намоён қиладиган ижодкорлик омилига эътиборни қаратади.

Мутахассислар Социология соҳасида инсон капитали омилининг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

Умумий инсон капитали – бу билим ва кўникмалар, улар қаердан олинганлигидан қатъи назар, улар бошқа ишларда ишлатилиши мумкин.

Ўзига хос инсон капитали бу – олинган жойда қимматли бўлган билим ва кўникмалар мажмуидир. Мавжуд социумда ҳаракат қиладиган кўплаб инвестициялар (хусусий ва ижтимоий шаклларига кўра) натижасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий шарт-шароитлар кишилардаги даромад ҳамда фойда афзалликлари, шунингдек, уларнинг фаолиятларидаги эҳтиёж ҳамда қобилиятлари намуналари тизимини акс эттиради².

Инсон капитали борасида тадқиқотчи инсон захирасининг юқоридаги умумий таърифи билан чекланиб қолмайди. У мавжуд муаммони «инсон капитали» назарияси асосида ривожлантиришга ҳаракат қилади. «Инсон капитали», «инсон салоҳияти», «инсон захираси» каби тушунчаларни ягона умумийлик асосида таҳлил қилиш натижасида Р. Акьюлов «инсон захираси имкониятларидан фойдаланиш мавжуд инсон капитали ва инсон салоҳиятининг йиғиндисини ташкил этади», деган хулосага келган.

Муаллиф ўз фикрини давом эттирар экан, инсон захирасига таъриф келтиради: «Инсон захираси имкониятлари бу – маълум бир ҳудудда яшовчи, ўзига хос сифат хусусиятларига эга бўлган турли авлодларнинг миқдор кўрсаткичлари бўйича умумийлигини тавсифловчи ижтимоий-иқтисодий категориядир»³. Фикримизча, ушбу баёнот турли-туман тушунчалар ўртасидаги муносабатни механистик талқин қилишнинг намунасидир. Унинг «инсон капитали» ва «инсон салоҳияти» тушунчалари билан бойитилиши ёки кенгайтирилиши у даражада муҳим аҳамият касб этмайди.

Бугунги кунда социумда «инсон капиталига инвестиция (сармоя) лар жалб этиш» ибораси оддий формулага айланиб бормоқда. Айни пайтда, ушбу иборанинг маъноси кўпчилик учун тушунарсиз, ноаниқ ва аксарият ҳолатларда зиддиятли бўлиб қолмоқда. Чунки, «инсон капитали» категорияси ва унинг «инсон салоҳияти» жараёнлари билан ўзаро боғлиқлиги фанлар контекстида ўрганилишни талаб этади.

Иқтисодий назарияга кўра, «капитал» – бу инсон фаолиятининг турли хил шакллари (тадбиркорлик, тижорат, ишлаб чиқариш ва бошқаларда акс этади) асосида кўшимча қиймат келтирадиган захира ҳисобланади. Ижтимоий капитали асосида, «инсон капитали»га иқтисодий талқин асосида муносабат билдирилса, унда кишиларнинг ўзларидаги инсоний фазилатлардан келиб чиқиб даромад олиш қобилиятларидаги ўлчов индекслари тушунилади. Унда маълумот даражаси ва айниқса, малака алоҳида ажралиб туради.

Инсон капиталининг мезонларида расмий таълим, орттирилган таълим (репетиторлик ёки кўшимча олинган билимлар) ва амалий тажриба орқали орттирилган интеллектуал қобилият шакллари тушунилади. Ўтган асрнинг 70–80 йилларига келиб,

² Алиева Э. И. Сущность социального капитала и его значение в развитии экономики // Экономическая наука. Инвестиция: практика та досвид. – 2013. – №14. – С. 76-77.

³ Акьюлов Р. И. Человеческие ресурсы как комплексная экономическая категория // Экономической теории. – М., 2009. – №4. – С. 10

инсон капиталига нисбатан сиёсий ва иқтисодий талқинлар бўйича илгари сурилган илмий таълимотларда чуқур асосланмаган, метафорага оид, эҳтиросли ва образли фойдаланишлар кенг тус олади. Таниқли француз социологи П. Бурдьё ўз қарашларида «капитал» категорияси доирасини чуқурлаштирилган ва кенгайтирилган ҳолда тушунтириш учун ҳаракатлар қилади. Унинг фикрича: «иқтисодий капитал» атамаси билан бир қаторда «ижтимоий капитал», «рамзли капитал», «ҳокимият капитали», «сиёсий капитал», «маданий капитал» тушунчалари мавжудлигини илгари суради⁴.

Ушбу мутафаккир ўз қарашларида «маданий капитал» иборасининг талқинини берар экан, уни моддий даромад, маънавий бойлик, кенг эгалланган билим ва ғоялар мажмуаси, ҳамда ижтимоий-маданий ривожланиш даражасига эга бўлган ҳаракатчан шахс ва социал гуруҳлар томонидан орттирилган умумий бойлик сифатида кўради. Билимлар манбасининг асоси сифатида шахслар ва социал гуруҳларнинг элита мавқеи ва кудратидан келиб чиқиб, муҳим иқтисодий капиталга эга эканликларини кўрсатиб ўтади.

П. Бурдьё ўз фикр-мулоҳазаларини намоён этар экан, «хусусий капитал» ва «институционал капитал» масалаларини ажратиб кўрсатади. Хусусий капиталнинг институционал капиталдан фарқли ўлароқ, шахс билан боғлиқ муносабатларда вақт ўтиб, ўз хусусиятини йўқотиши мумкин. Унинг ташувчиси, яъни муассасага тегишли капитал сақланиб қолади ва у қобилият ёки салоҳият томонидан бошқарилади⁵. Бизнингча, «инсон капитали», «инсон салоҳияти», «инсон захираси» ва «инсон омили» тушунчалари ўртасидаги фарқни қиёсий социологик ўрганиш учун зарур бўлади.

Инсон капитали масаласига ёндашувларда, биринчидан, улар ўртасидаги алоҳида ажралиб турувчи хусусиятлар (масалан, ҳудудий, маънавий, этник, демографик ва шу кабилар)ни ва иккинчидан, бир-бирига қатъий боғлиқ бўлган ўзаро хусусиятлар (шаҳарларда истиқомат қилиш, қишлоқ ҳудудида яшаш, ҳар куни иш жойига бориб келиш, бирор бир машғулот тури билан шуғулланиш ва шу кабилар) тизимли равишда назарий-методологик платформани ташкил этади. П. Бурдьёнинг фикрига кўра: «инсонлар ва улар амал қиладиган қадриятларни баҳолашдан ташқари, инсон салоҳиятини ташкил этувчи функция (эуфункция ва дисфункция, аниқ ва яширин функция)ларнинг ижтимоий аҳамиятини баҳолаш керак»⁶.

Инвестицияларга эҳтиёжлар ошиб бораётган даврда умуминсоний ва жамоавий хусусиятлардаги ижтимоий-иқтисодий омилларни изохлаш учун эҳтиёжлар капиталининг асосини ташкил этадиган «эгаллик қилиш» (моддий жамғармалар, билимлар мажмуи, ижтимоий алоқалар, нуфуз ва обрў-эътибор ва б.) функцияси, ҳамда иқтисодий манбалар, яъни кўчмас мулк, акция, хусусий бизнес кабиларнинг нимага ёки қайси томонларга йўналтирилганлигига эътибор қилиш керак бўлади. Бир томондан, манфаат ва иккинчи тарафдан ижтимоий кўмак масалалари ҳар доим ҳам бир-бирига мос тушавермайди. Бунда «инсон салоҳияти» ва «инсон капитали» одамларнинг параллел хусусиятлари сифатларини акс эттиришда, ўзаро боғлиқлиги номаълум бўлган руҳиятни ташкил этиши одатий ҳолга айланиб қолади. Бундай вазиятда кўпинча жамиятшунос ва сиёсатчилар шошилиб хулоса чиқаради. «Инсон салоҳияти»ни «инсон капитали»га қориштириб юборилиб, бири иккинчисининг ўрнида ишлатилиб кетади, бу эса табиийки,

⁴ Бурдьё П. Социология политики. – М.: Sociologos, 1993. – С. 212.

⁵ Вечканов Г. С., Вечканова Г. Р. Словарь рыночной экономики. – СПб.: Петрополис, 2005. – С. 302.

⁶ Иванов О. И. На пути к повышению качества человеческого потенциала Российской экономики //Вестник Санкт-Петербургского университета. Социология. – 2012. – №. 3. – С. 212-221.

жараён ва тараққиётга маълум маънода жиддий таъсир ўтказди. АҚШлик социолог олим Р. Мертон бундай ҳодисаларни «субстрат» деб атаган эди⁷.

Ижтимоий-фалсафий фанлар тизимида субстрат, яъни инсон табиати (характер)нинг ўз моҳиятига кўра, салоҳият ва капитал омилларига тегишли бўлган хусусиятларни маълум маънода ифодаланиши, мавжуд капитал мазмунини бугунги кун ҳолатидан келиб чиқиб, инвестициялар кўринишида ифодалашдан иборат бўлади. Ўз навбатида, салоҳият омилни вужудга келтиради ва капиталга тизимлашади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Дятлов С. А. Основы теории человеческого капитала. – СПб.: Изд-во УЭФ, 1994. – С. 16.
2. Алиева Э. И. Сущность социального капитала и его значение в развитии экономики // Экономическая наука. Инвестиция: практика та досвид. – 2013. – №14. – С. 76-77.
3. Акбюлов Р. И. Человеческие ресурсы как комплексная экономическая категория // Экономической теории. – М., 2009. – №4. – С. 10
4. Бурдые П. Социология политики. – М.: Sociologos, 1993. – С. 212.
5. Вечканов Г. С., Вечканова Г. Р. Словарь рыночной экономики. – СПб.: Петрополис, 2005. – С. 302.
6. Иванов О. И. На пути к повышению качества человеческого потенциала Российской экономики // Вестник Санкт-Петербургского университета. Социология. – 2012. – №. 3. – С. 212-221.
7. Иванов О. И. Методология социологии. Учеб.метод. пособио. – СПб., 2003. – С. 22.

⁷ Иванов О. И. Методология социологии. Учеб.метод. пособио. – СПб., 2003. – С. 22.